



Шахс мулоқот маданиятини ривожлантиришда шарқ мутафаккирларнинг тарбиявий ғоялари.

Хурсанов Рамазон

Қарши давлат университети талабаси

Аннотация: ушбу мақолада мулоқот тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, шахс ҳаётида мулоқот маданиятининг тутган ўрни ҳақидаги фикр - мулоҳазалар жамланган. Шунингдек, мақолада миллий таълим-тарбия тарихидаги тарбиявий қарашлардан ўқувчилар мулоқот маданиятини ўстиришда фойдаланиши йўллари баён қилинган.

Калит сўзлар: мулоқот, шахс, маданият тарбия.

Асрлар давомида яшаб келинган халқ оғзаки ижоди намуналарида ва мутафаккирларимиз асарларида ҳар бир жамиятда яшаган халқ руҳи: дўстлик, биродарлик, мардлик, ватан ва халққа содиқлик ғоялари ифодаланган, улуғланган; ота-онанинг ўзаро ахиллиги, улар билан фарзандининг ўзаро меҳр - муҳаббати, кадр – қиммати, энг яхши инсоний фазилатлари тараннум қилинган.

Бола тарбияси масалалари ўтмиш мутафаккирларининг мероси ва қарашларида муҳим ўрин тутди. Чунки бизнинг асосий мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебеҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Бу борада мутафаккирларимизнинг маънавий меросидан фойдаланиш бугунги куннинг ҳам, миллатимиз ёшларини эртанги кунда ҳам долзарблигини тақоза этади.

Инсоннинг маънавий камолотида мулоқот мақомининг юксак қадрланиши, шахсий — ахлоқий ўрнакка асосланган.

Мулоқот бизнинг кундалик ҳаётимиздаги объектларни ва одамларни белгилайди, шу билан бирга меҳнат тақсимотида турли хил ижтимоий ролларга эга бўлган одамларга ушбу ролларни бажариш билан бирга, у ушбу тарихий даврда ушбу рол тақсимотидан иборат бўлган жамият ҳаёт тарзини ўргатади ва тасдиқлайди.

Мулоқот - бу одамлар томонидан ижтимоий ҳақиқатни биргаликда яратиш ва ташкил этиш жараёни

Мулоқот маданиятини шакллантириш ўқувчи муносабатларини тартибга солиш ва бир-бирига таъсир кўрсатишда муҳим рол ўйнайди. Кутадгу Билигда таъкидланганидек, “Такдир инсон сўзида ўзгаради. Инсон ўз сўзини тили орқали сўзлайди, сўзи яхши бўлса юзи сувланади (яъни обрў қозонади)”. Демак мулоқот шунчаки восита эмас, балки инсонлар ўртасидаги ишонтириш омили ҳамдир.

Мулоқот таълим-тарбия, шунингдек, суфийлик таълимотида ҳам энг асосий восита саналган. Суфийлик таълимотининг йирик вакили Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари шундай фикрни илгари сурган: “Бизнинг тариқимиз суҳбатдир”. Маълумки, Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдлари камолотида суҳбат



воситасини самарали қўллаган. Суҳбат мулоқотнинг аниқ мезони ҳисобланиб, улар бир-бирисиз воқе бўлмайди.

Суфийлик таълимотининг йирик вакили, шайх А. Насафий ўзининг “Комил инсон” асарида суҳбат (мулоқот) таълим-тарбия олувчилар учун муҳимлиги юзасидан қуйдагича фикр юритган: “Билгилки, суҳбат кучли таъсир ва азим ҳосиятларга эга...”

Улуғ мутафаккир Абу Наср Фаробийнинг уқтиришича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват – руҳий куч билан боғлиқдир. Инсон туғилган куниданоқ тушуниш, фахмлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, фикрлаш қувватига эга бўладилар ва бу хусусиятлар боланинг ўсиб камолга ета бориши билан ривожланиб боради. Абу Наср ал-Фаробий ақлни чархламасдан ва мулоқот ахлоқини такомиллаштирмасдан илмни ўрганиш мумкин эмас деб ҳисоблайди. Абу Наср Фаробий жамоат аъзолари бир-бири билан ва жамият раҳбари билан дўстона муносабатда бўлиши керак деган фикрни илгари суради.

Халқимиз яратган қўшиқ ва ўйинлар ХИ асрнинг буюк тилшуноси, тарихчиси, этнографи Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит турк” китоби орқали бизгача етиб келди. Махмуд Қошғарий ўз асарида халқнинг турли мавзуларда яратган қўшиқлардан намуналар берган.

Ўзбек халқи “эртак”ни “чўпчак” деб ҳам аташган. Ота – оналар болаларда табиатга ҳавас туйғусини ўстириш, уларни фойдали одатларга ўргатиш натижасида уйку олдидан эртаклар айтиб беришган. Ота-оналар эртак айтиб беришда болаларнинг ёш хусусиятига, тинглаш, ўзлаштириш қобилиятларига эътибор бериб, эртак воқеасини турли оҳанг, кўз, қўл, гавда ҳаракатлари билан ижро этганлар.

Мулоқот асосан маълумот, ғоялар, қарашлар ва ҳиссиётларни бир кишидан ёки гуруҳдан бошқасига (ёки бошқаларга) белгилар орқали етказишдир.

Инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати, хулқ-атвори мулоқот маданиятида ифодаланади. У ўзининг ҳис-туйғусини, ички туғёнини, орзу умидларини мулоқот жараёнида баён этади

Мулоқотга кириша олиш салоҳиятининг юқори даражасини Амир Темур каби буюк тарихий шахс фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Темур тузуклари асарида шундай дейилади: “унга хизматга кирган бошқа қабила, эл, элатнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни ўз ёмонларига топширдим. Узр сўраб келганларни кечирдим”

Бундан кўринадики, инсон ким биландир дўст тутинмоқни ният қилса, албатта мулоқотда ширин сўз ва ҳушмуомала бўлса мақсадига етиши мумкин экан.

Умуман олганда, барча замонларнинг мутафаккирлари мулоқот одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишни ахлоқнинг муҳим таркибий қисми ва инсон гўзаллигининг моҳияти сифатида талқин қилган ва тан олган



Адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил.– Т.:Ўқитувчи, 1982.– 168 б. 89-90 б
- 2.“Комил инсон” Муқаддима. Тўртинчи фасл: “Сухбат баёнида” Жаҳон адабиёти Адабий бадиий, ижтимоий-публисистер журнал ИССН 2010-5517. 1/2019(260) 26-б.
- 3.Berdiyeva Gulobod Shonazarovna, Nargiz Irkinovna Djumayeva. "Гуманизация процесса профессионально-педагогической подготовки будущих учителей". *Образование и воспитание* 3 (2015): 1-2.
- 4.Бердиева, Г. Ш. (2022). ФАОЛИЯТЛИ ЁНДАШУВ–ЎҚУВЧИЛАРДА ҚАДРИЯТЛИ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА: Бердиева Гулобод Шоназаровна, Қарши давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (2), 86-91.